



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: info@xs.uz

2013 йил 13 август, № 156 (5830)

Сешанба

Тошкент вилояти:

## САНОАТ РАВНАҚИ ВА ИСТИҚБОЛ



2013 — 2015 йилларда  
Тошкент вилояти sanoat  
тармоқларига киритиладиган  
инвестициялар ҳажми

# 2,2

миллиард  
АҚШ долларидан  
ошади.



рақамнинг ўзиде фидоа этади. Ўшундан қарор шарофати билан яқин уч йил ичида вилоятда sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8 триллион 825 миллиард сўмга етиши мўлжалланмоқда. Бу 2012 йилдагига нисбатан 124,3 фоиз кўп, демакдир. Шу жумла-

дан, истеъмол товарлари тайёрлаш 144 фоизга, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш 139 фоизга, sanoat-техникавий йўналишдаги корхоналар маҳсулотлари ҳажми эса 149 фоизга ортади.

(Давоми 2-бетда.)

Бугун мамлакатимизда чинакам байрам шуқуҳи кезиб юрибди. Энг улғу, энг азиз айём кайфияти юрдошларимиз руҳиятида, орзу-умидларида акс этган. Энг муҳими, Ватан тақдири, келажагига дахлдорлик ҳисси халқимизни улкан бунёдкорлик, яратувчанлик сари бошламоқдаки, заминимизнинг ҳар қарич ери обод, файзли ва тароватли бўлиб бормоқда.

Муствақиллик байрамини ҳар йили муносиб ютуқлар, катта туҳфалар билан қарши олишга одатланганмиз. Хусусан, Истиқлолнинг қутлуғ 22 йиллиги пойтахт вилоятининг фидоийи, ҳалол ва меҳнатсевар одамлари ҳаётида ўчмас, таъбир жоиз бўлса, тарихий из қолдирмоқда. Негаки, 2013 йил 12 июлда давлатимиз раҳбарининг

“2013 — 2015 йилларда Тошкент вилояти sanoat салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Аини пайтда мазкур қарор моҳияти, унда кўзда тутилган кенг қўламли мақсад ва вазифалар байрам арафасида жойларда ташкил этилаётган маънавий-маърифий тадбирлар, аҳоли вакиллари,

ёшлар билан бўлаётган учрашув ҳамда суҳбатларнинг бош мавзусига айланаётгани бежиз эмас. Чунки худуд тараққиётида чин маънодаги юксалиш босқичини бошлаб берган бу муҳим ҳужжатни вилоят аҳли, жамоатчилиги жуда катта мамнуният билан қарши олди. Бинобарин, пойтахт вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ҳали бундай кенг қўламли дастур ишлаб чиқилмаган эди.

Эътироф этиш зарурки, Президентимиз қарори билан тасдиқланган дастур, қисқача айтганда, вилоятнинг ҳақиқий салоҳиятини намойиш этиш, бу ердаги иқтисодий тармоқларини комплекс ривожлантиришни кўзда туттади. Буни қуйидаги биргина

рақамнинг ўзиде фидоа этади. Ўшундан қарор шарофати билан яқин уч йил ичида вилоятда sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8 триллион 825 миллиард сўмга етиши мўлжалланмоқда. Бу 2012 йилдагига нисбатан 124,3 фоиз кўп, демакдир. Шу жумла-

дан, истеъмол товарлари тайёрлаш 144 фоизга, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш 139 фоизга, sanoat-техникавий йўналишдаги корхоналар маҳсулотлари ҳажми эса 149 фоизга ортади.

(Давоми 2-бетда.)

### ТАДБИР

Бухорода мамлакатимиз муствақиллигининг 22 йиллиги олдида бир қатор маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилаётти.

## Юксак маънавият — енгилмас куч

Ёшларни она-юртга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларни ёт гоғлардан асраш, истиқлолнинг Ватанимиз тарихи, халқимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини кенг оммага етказишга қаратилган шундай тадбирлардан бири “Юрт муқаддас саждагоҳ — юксак маънавий даргоҳ” шиори остида ўтказилди. Унда ўрта махсус, касб-хуналар таълими тизими ўқувчилари Президентимизнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарини ўқиб-ўрганиш юзасидан олган билимларини синовдан ўтказдилар.

Эътиборлиси, қадимий Кўкалдош мадрасасида ташкил этилган бу тадбир томошабинлари қаторида хорижий сайёҳларни ҳам қўриш мумкин эди. Улар учун бешта тилда тайёрланган пресс-релизлар тарқатилди. Тадбир мақсад-

моҳияти дунёнинг учта тилида ўқиб берилди. Танлов давомида улар учун миллий куй-қўшиқлар ижро этилди.

Бевосита кўрик-танловга келсак, унда ҳар бир туман ва шаҳардан биттадан жамоа голиблик учун кураш олиб борди. Иштирокчилар дастлабки шартга мувофиқ, ўзлари таълим олаётган масканларда муствақиллик йилларида амалга оширилган ишлар ҳақида алоҳида ўхталдилар. Кейин эса “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарини асосида тайёрланган саволларга жавоб бердилар. Мазкур асардан танлаб олинган мавзуга оид саҳна кўринишини намойиш этидилар. Яқунда Жондор тумани жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Фолиблар ташкилотчилар томонидан тақдирланди.

Истам ИБРОХИМОВ,  
«Халқ сўзи» муҳбири.

## Қонун ижроси ва масъулият

Урганчда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

### ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

Унда “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ҳамда “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ижросини ташкил қилиш, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш орган-

ларининг атроф-муҳитни муҳофаза этиш, маҳалла худудини ободонлаштириш ҳамда қўқаламзорлаштириш, қишлоқ аҳоли пунктларининг инфратузилмасини, қишлоқда шахсий уй-жой қурилишини ривожлантиришдаги иштироки масалалари муҳокама қилинди.

Мажлисида халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг депутатлари, вилоят ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органлари, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят, туман ва шаҳар бўлинмалари, маҳаллий давлат ҳўкимияти ва бошқаруви идоралари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари қатнашди.

Қайд этилганидек, Хоразм вилоятидаги 608 та фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органида масала-

ларнинг долзарблигига қараб тегишли комиссиялар тузилган. Худудий тадбирлар режаларига мувофиқ, вилоятда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш, фуқаролар йиғинларини хизмат бинолари билан таъминлаш ҳамда замонавий техника воситалари билан жиҳозлаш, уларнинг биноларини таъмирлаш ва ободонлаштириш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

## Кичик бизнес фаолиятида янги босқич

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик қўлаб мамлакатлар иқтисодийи равнақини белгилувчи, фаровон ҳаётини таъминловчи муҳим восита сифатида тан олинмоқда. Жумладан, юртимизда амалга оширилаётган ишлар хусусида Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Ташки иқтисодий алоқаларини ривожлантириш бошқармаси бошлиги Дилшод РАСУЛОВга бир нечта саволлар билан мурожаат қилдик.

### МУНОСАБАТ

— Республикада тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида гапирганда, энг аввало, уларнинг эркин фаолият юритиши учун яратилган ҳўқуқий асосларга алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз, — дейди суҳбатдошимиз. — Негаки, муствақилликнинг дастлабки йилларида қабул қилинган

бир қатор қонун ва бошқа ҳўжатлар ушбу соҳани шакллантиришда муҳим омил бўлган бўлса, сўнгги уч-тўрт йилда амалиётга татбиқ этилган Фармон ҳамда қарорлар, аиниқса, бу борадаги ишларни янада муствақиллаштиришда Бунга мисол сифатида 2011 йилнинг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили сифатида белгилангани, ўтган йили Президентимиз томонидан бир йўла иккита — “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рўқсат бериш тартиб-таомилларини тўқдан қисқартриш чора-тадбирлари тўғрисида” ҳамда “Ишбилармонлик муҳитини янада тўқдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонларини келтириш мумкин. Буларнинг самараси

2012 йил якунларига қўра, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг япи ички маҳсулотдаги улуши 54,6 фоизни, умумий бандликдаги ҳиссаси эса 74 фоизни ташкил этганида яққол намоеён бўлди. Қолаверса, бугунги кунда мамлакатимиз sanoat маҳсулотларининг 90 фоизи нодавлат сектор томонидан ишлаб чиқарилмоқда, унинг умумий экспортдаги улуши эса 17 фоизни ташкил этаётти. Давлатимиз раҳбарининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортни қўлаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори мазкур соҳа вакиллари нақадар кенг микёсда қўлаб-қувватланаётганининг яна бир амалий исботидир.

(Давоми 2-бетда.)

## хабарлар

Янгиликлар, воқеалар,

■ 2013 йил 8 август куни «Мудис» халқаро рейтинг агентлиги «Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш истиқболи» янги ҳисоботини эълон қилиб, Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш истиқболини кетма-кет тўртинчи йил «барқарор» деб тасдиқлади.

«Мудис»:

### Ўзбекистон банк тизими ривожланишининг барқарорлиги сақланмоқда

«Мудис» агентлигининг фикрича, 2010 йилдан буён банк тизими ривожланишининг истиқболи «барқарор» даражада сақланишида банклар фаолияти учун қўлай шарт-шароит яратётган мамлакат иқтисодий-иқтисодий жадал суръатлар билан ўсиб бориши асосий омил бўлмоқда.

«Мудис» агентлигининг ҳисоботида банклар дарамаддигининг ижобий кўрсаткичлари ва активлари сифатининг яхшиланиши, шунингдек, ликвидлик даражасининг барқарорлиги, мижозлар депозитларининг ўсиб бориши, ҳўкумат томонидан йирик банкларга йўналтирилаётган сезиларли молиявий ресурслар асосий ижобий омиллар бўлди, дейилади.

(Давоми 2-бетда.)

■ Пойтахтимидаги Ёшлар ижод саройида 12 август — Халқаро ёшлар кунига бағишланган фотокўргазма очилди.

### Халқаро ёшлар кунига бағишланди

“Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Келажақ овози” ёшлар ташаббуслари маркази ва БМТнинг Аҳолишунослик бўйича жамғармаси (UNFPA) ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазманинг очилишида Президентимиз Ислон Каримов раҳнамоли-

гида ёшларнинг ҳўқуқ ва манфаатларини таъминлаш, билим олиши ва касб-хуналар эгаллаши учун кенг шароит яратиш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

(Давоми 2-бетда.)

■ Навоий шаҳридаги “Саид Шоҳсанам” хусусий корхонаси томонидан 4 турдаги темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариши йўлга қўйилди.

### Муҳандислар ихтироси

Этиборлиси, бу ерда маҳаллий муҳандислар томонидан хориж технологияси пухта ўзлаштирилиб, тежамкор технология усули яратилди.

— Аини пайтда мазкур дастгоҳ ёрдамида тайёрланаётган қурилиш ашёларимиз сифати буюртмачиларга манзур бўлаётти, — дейди корхона раҳбари Жўракул Яхшиев. — Эндиликда темир-бетон маҳсулотларини намунавий лойиҳа асосидаги уй-жойлар қурилишига ҳам етказиб бера бошладик. Пировардида 10 га яқин доимий иш ўрни яратилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида шаҳарда шу каби 27 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти фаолиятини йўлга қўйилди, уларда 185 та қўшимча иш ўрни ташкил этилди. Мазкур лойиҳалар рўёби учун 2,5 миллион АҚШ долларлик сармоя йўналтирилди.

Азамат ЗАРИПОВ,  
«Халқ сўзи» муҳбири.

■ Хонобод шаҳридаги “Хонобод зиё камоли” хусусий корхонасида нон ва қандолат маҳсулотлари тайёрлаш ўзлаштирилди.

### Дастурхон зийнати

Бунинг учун 70 миллион сўмлик сармоя эвазига замонавий ускуна ва жиҳозлар келтирилди. Аини пайтда унга яқин иш ўрни барпо этилган корхонада кунига ярим тоннагача сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрланиб, сав-

до шохобчаларига етказиб берилаёттир.

Умуман, жорий йилнинг иккинчи чорагида шаҳарда 28 та шу каби лойиҳа амалга оширилди.

Одилжон ШОДНОМАЛИЕВ,  
«Халқ сўзи» муҳбири.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жорий йилнинг ўзида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг сессияларида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самардорлигини ошириш масалалари бир неча марта кўриб, улар юзасидан қарор-

ҳафтанинг шанба куни ҳудудларни ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш бўйича тадбирлар, шунингдек, фуқароларнинг томорқа ерларидан самарали фойдаланишни ўрганиш куни ўтказилмоқда. Вилоят телевидениесига ҳар ойда икки марта "Табиат ва инсон" кўрсатuvi эфирга узатишмоқда. "Хоразм

тузилмасини ривожлантириш бўйича самарали тадбирлар олиб борилмоқда: гузарлар ташкил қилинмоқда, сартарошхоналар, маиший техникани таъмирлаш устаконалари, савдо дўконлари, кичик новвойхоналар ва бошқалар қуриляпти. Фуқаролар йиғинларида ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш маса-

Тошкент вилояти:

САНОАТ РАВНАҚИ ВА ИСТИҚБОЛ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дарҳақиқат, саноат тармоқларига 2,2 миллиард АҚШ доллари миқдоридан инвестиция киритишни назарда тутувчи мазкур дастур кўлами ва йўналишлари бўйича ниятда кенг қамровлидир. Қолаверса, бу жойларда 11 мингдан ортиқ иш ўринлари ташкил этиш имконини беради. Кириллаётган инвестициянинг 605 миллион АҚШ долларилриқ қисми тўғридан-тўғри хориж сармояси эканлиги ҳам янада эътиборлидир.

Масалан, унга кўра, но-озик-овқат, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш соҳасида 205 миллион АҚШ доллари миқдоридан инвестицияни ўзлаштириш орқали 146 та лойиҳа рўёбга чиқарилади. Ушбу йўналиш энг кўп — 7 минг 250 дан ортиқ кишининг бандлигини таъминлашга хизмат қилади.

Эндиликда вилоятнинг нефть-кўмир, машинасозлик, тоғ-кон, металлургия соҳалари раванқи ҳам бутунлай янги босқичга кўтарилиши аниқ. Негаки, мазкур тармоқларга йўналтирилиши

нингдек, қирққа яқин фаолият юритмаётган, пастрентабелли саноат корхоналарини молиявий соғломлаштириш ва фаолиятини тиклаш орқали қарийб 1000 та иш ўрни вужудга келади. Давлат тасарруфидаги 94 та бўш турган ва фойдаланилмаётган объект оммавий савдоларда "ноль" қийматида сотилиб, 28 та объект ўрнида юқори ҳамда тежамкор технологияларга асосланган янги саноат корхоналари ташкил қилинади.

— Юртбошимизнинг мазкур қарори бизнинг олти ярим минг кишилик жамоамизни ҳам катта мақсад ва марралар сари руҳлантириб юборди, — дейди "Максам-Чирчиқ" очик акциядорлик жамияти 2-аммиак цехи смена бошлиғи, "Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳиб Умарали Собитов. — Боиси, унга мувофиқ, бизнинг корхонамизда ҳам ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, техник ва технологик янгиланиш кўзда тутувчи истиқболли лойиҳалар рўёбга чиқарилади. Бу кўшимча қийматга эга янги маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштириш,

халқаро бозордаги салоҳияти янада мустаҳкамланади.

Ангрэн шахри яқин йиллар ичида нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон бозоридан донг таратса, ажабмас. Чунки дастурга мувофиқ, "Ангрэн" тежамкор технологияларга асосланган янги зонасида қиймати 155,3 миллион АҚШ долларилик, 1000 дан зиёд янги иш ўринлари яратувчи бир қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ қилинмоқда.

Шу ўринда Ангрэн шахрида Олмалик кон-металлургия комбинати ташаббускорлигида яна бир улкан лойиҳа ижросига киришилганини қайд этиш жоиз. Гап шундаки, бу ерда барпо қилинаётган янги заводда йилига 8 минг тонна қимматбаҳо мис қувурлар ишлаб чиқарилади. Қиймати 35,3 миллион АҚШ долларилик ушбу корхона юртимиз металлургия саноатининг беқиёс имко-



Хосен ПАЙДОНОВ олгон суратлар.

чиқариш кам ривожланган тоғолди ҳудудлар ва чекка қишлоқларда амалга оширилиши режалаштирилган. Демак, яқин орада Бўстонлик, Бекобод, Куйи Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Бўка, Пискент, Оққўрган туманларининг энг чекка нукталарига ҳам саноат тармоқлари дадил кириб бориб, бу ерларда замонавий корхоналар қад ростлайди.

Масалан, тоғли Бўстонлик туманида лойиҳа қиймати 14,5 миллион АҚШ долларига тенг бўлган, йилига 7 минг тонна калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Бўстонлик пластик" корхонаси фаолияти йўлга қўйилиши натижасида қишлоқ хотин-қизлари учун 350 та иш ўрни вужудга келади. Худди шундай, Пискент туманидаги инкироз ёқасига келиб қолган "Тоҳиржон курилиш савдо" корхонасига 1,2 миллион АҚШ долларилик тўғридан-тўғри хориж сармояси ҳамда банк кредитини жалб этиш орқали бу ерда ҳам замонавий фабрика фаолияти

йўлга қўйилади. Камида 420 кишининг бандлиги таъминланадиган ушбу корхонада йилига 2 миллион донга трикотаж маҳсулотлари тайёрланиб, экспортга йўналтирилади.

Бундан ташқари, Юқори Чирчиқ туманидаги "ТТГ" хорижий корхонасига 40 миллион, Ўрта Чирчиқ туманидаги "Тўйтепа металл курилмалари" корхонасига 4,2 миллион, Оҳангтон туманидаги "TIAT Ceramic" хорижий корхонасига 17,6 миллион АҚШ долларилик тўғридан-тўғри хориж сармоясини киритиш орқали улар фаолияти қайта тикланади. Ҳар бирида 200-300 тадан янги иш жойлари ташкил этиладиган мазкур ишлаб чиқариш субъектларида, асосан, тўқимачилик моллари, металл конструкциялар, санитария-керамика маҳсулотлари тайёрланади. Юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигига хизмат қилувчи бу каби ўнлаб истиқболли лойиҳалар Оққўрган, Бўка, Куйи Чирчиқ ҳамда Бекобод туманларида ҳам рўёбга чиқарилади.

Албатта, бу — улкан ишларнинг бошланиши, холос. Пулвиркор тоғлар салобати олдидан яққол кўрингани сингари бундай салмоқли лойиҳалар ҳамда эзгу ташаббуслар пойтахт вилоятининг эртанги истиқболи ҳақида аниқ ва ёрқин тасаввурлар уйғотади, кишида. Пулварадда мазкур савий-ҳаракатларнинг барчаси пойтахт вилоятининг ўз мавқеига мос салоҳият касб этишида мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Мудис»:

Ўзбекистон банк тизими ривожланишининг барқарорлиги сақланмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Банк тизимининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган мақсадли чоратадбирлар тижорат банклари умумий капитали ҳажмини охириги уч йилда 2 баробардан зиёд ошириш имконини берди ва 2012 йилда банк тизимининг умумий капитали ўсиши 24,2 фоизни ташкил этди.

Банклар капиталининг етарлилик даражаси 24,3 фоизни ташкил этиб, бу кўрсаткич халқаро стандартлардан (8 фоиз) қарийб 3 баробар юқоридир.

Банкларнинг барқарор мавқеи банк тизими бўлган ишончининг ўсиши, аҳоли ва корхоналарнинг бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилишининг мустаҳкам асоси бўлиб қолмоқда. Сўнгги уч йилда банк депозитларига жалб этилган маблағлар 2,6 баробар, шу жумладан, аҳоли омонатлари миқдори 2,4 баробар ўсиши таъминланди. 2012 йилда хўжалик субъектлари ва аҳоли депозитлари

ҳажми 31,5 фоиз ўсди. Ўтган йили банкларнинг жами активлари 30,2 фоиз, сўнгги уч йилда эса бу кўрсаткич 2,3 баробар ошди.

«Мудис» агентлиги экспертлари таъкидлашча, сўнгги 12 ой ичида Ўзбекистон банк тизими активлари сифати сезиларли даражада ошиб, иқтисодиётнинг юқори суръатда ўсишини таъминламоқда. Шу билан бирга, «Мудис» рейтинг агентлиги банкларнинг даромадлилик кўрсаткичлари, жумладан, активлар ва капиталнинг жорий рентабеллиги сақлаб қолинишига ишонч билдирмоқда.

Шунингдек, «Мудис» рейтинг агентлиги прогноз қилишича, жорий йилда кредитлаш ҳажми 20 фоиз ўсади. Кредитлаш кўламининг жадал кенгайтиши шароитида капиталнинг жорий етарлилик даражасини сақлаб қолиш учун 2013-2014 йилларда тижорат банкларининг жами капиталини йилига камида 20 фоиз ўсишини таъминлаш бўйича чоралар кўриб борилади.

«Мудис» агентлиги экспертлари фикрича, мамлакат иқтисодиётининг юқори ўсиши прогноз қилинаётган келгуси 12-18 ой мобайнида банклар учун қулай операцион муҳит яратилишини таъминлайди.

Ўзбекистон банк тизимининг барқарор ривожланиши ўтган йилнинг 28 ноябридан 7 декабригача мамлакатимизга ташриф буюрган Халқаро валюта фондининг миссияси томонидан ҳам қайд этилган эди. Хусусан, миссия «Ўзбекистон банк тизими юқори кўрсаткичларни намойиш этиб келмоқда. Халқаро стандартлардан келиб чиқиб қараганда, банклар капиталининг етарлилик коэффициенти юқори даражада сақланиб турибди» ва «...банк тизимининг барқарорлиги, давлат қарзининг камлиги ва ташқаридан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инкирознинг салбий оқибатларидан ҳимоя қилди», деб таъкидлаган эди.

(ЎЗА).



Хосен ПАЙДОНОВ олгон суратлар.

режалаштирилган инвестициялар миқдори бир миллиард 952 миллион АҚШ долларига тенгдир. Бинобарин, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида 74 миллион АҚШ долларилик 108 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилади. Шу-

қўллаб ёшлар учун кафолатланган иш жойлари ташкил этиш имконини беради, албатта. Энг муҳими, «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» деган ёрлиқ билан дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатига маҳсулот экспорт қилаётган корхонамизнинг

ниятларини намойён қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Кези келганда шуни алоҳида қайд этиш зарурки, инвестиция лойиҳаларининг асосий қисми вилоятнинг йирик саноат марказларида эмас, аксинча, ишлаб

Кичик бизнес фаолиятида янги босқич

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Дарҳақиқат, шу ўринда ушбу қарор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига нечоғли таъсир кўрсатади, деб ўйлайсиз?

— Мислсиз ва улкан. Чунки мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида юртимиз тадбиркорлари ўз товарлари (асосан, хом ашё ва хунармандчилик маҳсулотлари)ни яқин қўшни давлатларга сотар эди. Бугунги кунда эса ишбилармонларимизнинг ҳамкорлик доираси кенгайиб, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар (асосан, тайёр маҳсулотлар) АҚШ, Осиё, Европа ва Африка давлатларига етиб бормоқда. Юртбошимизнинг мазкур қарори, аввало, бу йўналишдаги ишларни янада жадаллаштиришга хизмат қилади, иккинчидан, соҳанинг

ҳуқуқий асосини бундан-да мустаҳкамлайди, албатта. Боиси, унда чет эл бозорларида рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришда ва уни экспортга чиқаришда зарур ҳуқуқий, молиявий ҳамда ташкилий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, тадбиркорларни ташқи бозор хатарларидан ишончли ҳимоя қилиш сингари кўплаб вазифалар белгилаб қўйилган. Хусусан, бу каби ишлар билан янги ташкил этилаётган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини кўллаб-қувватлаш жамғармаси шўғулланади. Жамғарма юртимиз ишбилармонлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг асортименти ва турларини таҳлил қилиш, уларнинг ташқи бозорлардаги рақобатдошлик даражасини аниқлаш, тадбиркорлик субъектларининг экспорт имкониятлари-

ни баҳолаш сингари вазифаларни амалга оширади.

Қисқача айтганда, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини кўллаб-қувватлаш жамғармаси ишбилармонлар учун ҳақиқий ҳамкор ва таянч бўлади. Бундан ташқари, қарорда жамғарма ҳамда унинг ҳудудий филиаллари 2019 йилнинг 1 январига қадар барча турдаги солиқлар, йиғимлар, бож ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилиниши белгиланган. Бу эса юртимизда тадбиркорлар маҳсулотларини экспортини кўллаб-қувватлашининг янги муваффақиятли стратегияси шакллантирилаётганини кўрсатиб турибди.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ ёзди олди.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу борада кўплаб халқаро ташкилотлар, хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қилан самарали ҳамкорлик қилинмоқда.

БМТ Бош Ассамблеяси ташаббуси билан 2000 йилдан буён 12 август — Халқаро ёшлар куни сифатида кенг нишонланмоқда. Бу ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тинчлик тарафдорларини кўллаб-қувватлаш, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, авлодлар ва маданиятлар ўртасидаги бирдамликни янада мустаҳкамлаш, йигит-қизларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Кўрғазмада "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази лойиҳалари, "Биз — 22 ёшда-ми!" "Мен ва менинг ҳаётим" йўналишлари бўйича саралаб олинган икки юзга яқин фотосурат намойиш этилмоқда.

Уларда ёшлар ҳаёти, ўқиши ва фаолияти, ижтимоий-сиёсий тадбирлардаги иштироки, улкан ютуқлари турфа жанр ва услубларда акс эттирилган. Бу суратларнинг муаллифи ҳам ёшлардир.

Шу куни БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги вазоклатхонаси билан ҳамкорликда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида БМТ ресурс хонаси ҳам очилди. Шу муносабат билан ўтказилган брифингга мазкур кутубхона директори А. Хўжаев мамлакатимизда ёш авлодини миллий ва умуминсоний кадрларнинг руҳида тарбиялаш, уларнинг китобхонлик маданиятини юксалтиришга

алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2011 йилда барпо этилган "Маърифат маркази" бу соҳадаги ишларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. Ушбу марказдан ўрин олган Миллий кутубхонада китобхонларга жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатиш учун барча имкониятлар яратилган. Зиё маскани олти ярим миллион нусхадан зиёд китоб хазинасига эга. Унинг электрон адабиётлар базаси ҳам тобора бойиб бораётир. Етти юз ўринли ўқув зали замонавий асбоб-ускуналар, Wi-Fi тизими билан жиҳозланган. Бундай замонавий шароит аҳолининг ушбу маъри-

фат даргоҳига интилиши ва қизиқишини оширмоқда.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси маъмурияти бундай имкониятлар кўламини янада кенгайтириш, кутубхонага инновацион технологияларни кенг жалб этиш мақсадида давлат ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда. Хусусан, БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда миллий ахборот кутубхона ҳафталиклари, турли тадбирлар ташкил этилаётир. Мутахассисларнинг ахборот технологияларидан фойдаланиши бўйича малакасини ошириш, кутубхона хизматини такомиллаштириш, инновацион технологиялардан оқилона фойдаланиш,

кутубхонада жисмоний имконияти чекланганларга хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, ёшларнинг мутлола маданиятини юксалтиришга оид семинарлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Янги ресурс маркази аҳоли ва китобхонларга БМТнинг Ўзбекистондаги фаолиятига оид янгиликлар, турли манбалар, лойиҳалар, дастурлар ва услубий қўлланмалар базасидан фойдаланиш учун янада қулай шароит яратди.

— Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фаолияти билан яқиндан танишар эканман, мамлакатингизда ахборот-кутубхоналар жадал ривожланаётганига, Ўзбекистон-

да аҳоли, айниқса, ёшларга замонавий ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганига яна бир бор амин бўлдим, — деди БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Стефан Приснер. — Биз Ўзбекистон билан бошқа соҳалар қатори ёшлар масаласига оид турли йўналишлар — таълим, маданият, соғлиқни сақлаш каби соҳаларда ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келяпмиз. Ушбу ресурс хонаси китобхонларга БМТ фаолияти ҳақида кенг маълумот олиш имконини беради. Барча зарур техника ва технологиялар билан жиҳозланган бундай замонавий кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари аҳоли, айниқса, ёшларнинг илмий, маънавий ва касб салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилаётир.

Ирода УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА, ЎЗА мухбирлари.

ИНТИЛИШ

Зафаробод туманидаги "Лозуд продукт" фермер хўжалигида банкнинг 300 миллион сумлик кредити эъзига саноат усулида парранда парваришлаш йўлга қўйилди.

Аҳолига парҳез маҳсулот

— Айни пайтгача хўжаларни бошқа жойлардан олиб келиб боқар ва умумий овқатланиш шохбачимизга етказиб берар эдик, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Раҳматулла Аҳмедов. — Ўтган йили хориждан 3600 бош бройлер зотли товук ва 90 минг бош хўжа очирш кубвати эга инкуватор олиб келиб ўрнатдик. Натижада самарадорлик бир неча баробарга ортди. Бугунги кунда жамоамизда меҳнат қилаётган 60 нафар ишчи-мухтажаси томонидан ойига 50 минг донга парҳез гўшт етиштирилиб, хўжалиқнинг Зомин, Пахтакон, Дўстлик туманлари ва вилоят марказидаги шохбачалари орқали аҳолига етказиб берилмоқда.

Уллубек АДИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**ЖАҲОН**

**24 соат ичида**

Археологлар Гватемала худудидан майялар даврига оид ҳайкал топишди.

**Ноёб топилма**

Унга қадимий пирамидада олиб борилган тадқиқотлар чоғида дуч келинган. Ҳайкал бинолар пештоқига ўрнатиш учун мосланган бўлиб, унинг узунлиги тўққиз, эни эса икки метрга тенг. У жуда яхши сақланган. Мутахассислар мазкур топилма 590 йилга оид эканлигини билдиришди.

Бундан ташқари, пирамидадан ўзига хос расм-русум билан дафн этилган одам танаси ҳам топилган. Шу боис ушбу қадимий обида майяларнинг юқори мартабали оилаларидан бирига тегишли, деган хулосага келинди.

**Қарз миқдори катта**

Япониянинг давлат қарзи бир квадриллион иена (7,734 триллион евро)дан ошиб кетди.

Шу боис ҳукумат иқтисодий тарқорлаштириш мақсадида облигациялар чиқаришнинг давом эттирмоқда. 2013 — 2014 йилларга мўлжалланган давлат бюджетининг 46 фоизи-

ни эса янги чиқариладиган боналар (сақловчи маъна мўлҳорда фойда олишга ҳуқуқ берадиган ҳужжатлар) ҳисобидан молиялаштириш кўзда тутилмоқда.

**Тошқин талафотлари**

Шимолий Суданда кузатилган сурункали ёмғир сув тошқинларини келтириб чиқарди.

Хусусан, Оқ Нил дарёсида сув сатҳи кескин кўтарилиб кетган. Сўнгги маълумотларга қараганда, табиий офат оқибатида 36 киши ҳаётдан кўз юмган.

Синоптиклар худудда ёгингарчилик жорий ҳафта охиригача сақланиб туришини айтишмоқда.

**Поезд изидан чиқиб кетди**

АҚШнинг Оклахома штати шимоли-ғарбида юк поезде темир йўлдан чиқиб кетди.

Фоҳиа юз берган вақтда 40 та вагонда озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар олиб кетиладиган эди. Ҳалок бўлганлар ҳамда жароҳатланганлар йўқ.

Нохуш воқеа машинистнинг белгиланган тезликка риоя этмаганлиги туфайли келиб чиққани тахмин қилинмоқда.

**Марсга 100 минг киши бормоқчи**

Маълумки, шу йилнинг апрель ойида Марс сайёрасига учинчи хоҳловчилардан аризаларни қабул қилиш бошланган эди.

Айни пайтга келиб бундай парвозга иштиёқмандлар сони 100 минг нафардан ошиб кетган. Режага кўра, Дастлабки саёхатчилар қизил сайёрага 2023 йилнинг 22 апрелида олиб чиқилади. Шу боис 2015 йилнинг июль ойида номзодлар орасидан 24 нафарни танлаб олиниб, улар ана шу мuddатга қадар парвозга тайёрлаб борилади.

**Инқироз таъсири**

Июнь ойида Францияда ишлаб чиқариш ҳажми май ойиданга нисбатан 1,4 фоиз тушиб кетди.

Жумладан, иқтисодийнинг етакчи тармоқлари бўлган автомобилсозликда 5,7, озиқ-овқат саноатида эса 2,9 фоизлик пасайиш қайд этилган.

Ваҳолонки, июль ойининг ўрталарида мамлакат раҳбари Франция учун молиявий-иқтисодий инқироз ортада қолганини ишонч билан таъкидлаган эди. Аммо бу ҳозир-

ча статистик маълумотларда ўз инфодасини топгани йўқ. Тахлилчиларнинг фикрича, иккинчи чорак якунларида ҳам у қадар катта ўзгариш сезилмайдиган Масалан, мамлакатда ялпи ички маҳсулот ҳажми атиги 0,2 фоиз ўсиши кўтилмоқда. Бу ҳақда расмий ахборот 14 августда эълон қилинади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



Мавсум

Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигида амалга оширилаётган изчил ислохотлар соҳа самарадорлигини янада орттириш, маҳсулот етиштириш ҳажмини кўпайтириш имконини бераётди. Хусусан, кейинги йилларда боғдорчиликда қўлланилаётган интенсив технологиялар тармоқ ривожига янги уфқларни очмоқда. Бундай дейишимизга асослар етарли, албатта.

**Интенсив боғлар:**

**СЕРҲОСИЛ ВА САМАРАЛИ**

Самарқанд вилоятида бугунги кунга қадар ана шу янги усулда 2545 гектар боғ ва 105 гектар тоқзор ташкил этилган бўлиб, уларнинг дастлабки ҳосили йиғиштириб олинапти. Мутахассисларнинг айтишича, ҳар гектар боғдан ўртача 650-850 центнердан мева етиштирилиши кўтилмоқда. Бу аънавий боғлардаги нисбатан бир неча баробар юқоридир. Яна бир аҳамиятли жиҳати, бундай боғ ва тоқ майдонлари, асосан, тоғолди худудларидаги сув чиқши кийин бўлган кир-адирларда яратилган.

— Бизда интенсив боғлар яратиш 2007 йилда бошланган эди, — дейди Самарқанд тумани қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими бошлиғи Курбон Курбонов. — Бу жараёнда майдонларга пақана ҳамда яримпақана дарактларни ўтказишдан ташқари, етиштириладиган ҳосилни сифатли сақлаш, уни қайта ишлаш корхоналарида етказиб бериш сингари масалалар ҳам эътибордан четда қолмади. Гарчи мевани қайта ишлайдиган йирик корхоналар бўлишига қарамай, фермер ҳўжалиқларининг ўзида улкан музлаткичлар қуришга киришилди. «Sam Ros Holod» кўшма корхонасида эса қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ташиш, жой-

лаштириш учун фойдаланиладиган елим идишлар тайёрлаш ўзлаштирилди. Буларнинг бари бу йилги пишқичлик мавсумида қўл келаётди.

Интенсив боғларнинг оддийларидан афзаллик жиҳатлари жуда кўп. Аввало, дарактларнинг танаси кичик ва паст бўлиб бўлганлиги боис, ишлов бериш, суғориш, ўғитлаш ҳамда ҳосилни йиғиштириш каби юмушларни бажариш жуда қулай. Иккинчидан, бундай дарактлар дастлабки йилдаёқ мевага кирса, учинчи йилга келиб, унинг ҳар гектарида 60-75 тоннагача ҳосил олиш мумкин. Қолаверса, ер майдони сезиларли даражада иқтисод қилинади.

— Бундан уч йил аввал 30 гектар ерга олма кўчатларини қадаган эдик, — дейди «Мароканд Интенсив Гарденс» агрофирмаси директори Дилшод Салимов. — 2011 йилда жами боғлар 113 гектарни ташкил этди.

Хозирги кунда бир неча туманлар худудида 2 минг гектар боғимиз мавжуд. 2015 йилга бориб эса, уни 5 минг гектарга етказмоқчимиз. Шу мақсадда Оқдарё туманида 76 гектар майдонда ўрик, шафтоли, олма, олхўри, гилос каби кўчатларни парварлаштириш қилаёмиз. Келгусида уларни экспортга чиқариш ниятидаммиз.

Дарҳақиқат, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини кўпайтириш, уни қайта ишлаш ва сифатли сақлашни ривожлантириш — давр талаби. Самарқанд вилоятида ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар туфайли 179 та қайта ишлаш корхонаси модернизация қили-

ниши етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлаш даражасини 10 баробар ошириш имконини берди. Айни пайтда мазкур корхоналарда экспортбоп маҳсулотлар ҳажми 384,3 минг тоннани ташкил этмоқда.

Қиёслаш учун яна бир далил. 2008 йилда вилоятда 12 минг тонна сифимли 8 та музлаткич мавжуд бўлган бўлса, 2012 йилга келиб, уларнинг сони 27 тага етди. Натижада аҳолининг мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қиш ва баҳор мавсумларида ҳам тўла қондиришга эришилмоқда.

Бундан ташқари, вилоят боғларида етиштирилган сархил ва мазали меваларни экспорт қилиш ҳажми ҳам тобора ортмоқда. Ўтган йили 82 минг тонна ёки 150,4 миллион АҚШ доллари маҳсулот хориж давлатларига сотилгани ана шундан далолат беради.

Мухтасар айтганда, республикаимиз аграр секторида амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, интенсив боғлар барпо этиш тажрибаси бугун катта самара бермоқда. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилаётгани билан янада аҳамиятлидир.

Мамаднёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

**ҚУЛАЙЛИК**

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Сирдарё вилояти кенгаши қошида ёшлар бошқараётган фермер ҳўжалиқларига ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатувчи ишчи гуруҳ ташкил этилди.

**Ёш фермерларга кўмак**

Таркибига қишлоқ ҳўжалиги мутахассислари, ҳуқуқшунослар ва «Камолот» ЁИҲ ходимлари киритилган мазкур гуруҳ томонидан айни пайтда ёш фермерлар ма-лакасини ошириш, уларга тегишли тақлиф ва тавсиялар бериш бўйича бир қатор иш-лар олиб бори-лмоқда.

Айтиш лозимки, бугунги кунда вилоятда 24 нафар ёш фермер фаолият кўрсатмоқда.

Ахмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

**Реклама ва эълонлар**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси**

моддий-техник базаси ва етарли иш тажрибасига эга бўлган барча қурилиш ташкилотларини фуқаролик ҳамда мудофаа иншоотларини капитал қурилиш, таъмирлаш ва реконструкция қилишда қатнашиш учун ҳамкорликка тақлиф этади.

Ушбу тақлифга қизиқиш билдирган корхона ҳамда ташкилотлар танлов савдосига қўйилаётган бино-иншоотлар қийматининг 20 фоиз миқдоридан кам бўлмаган айланма маблағга эга бўлишлари шарт.

Маълумот олиш учун (8-371) 241-41-06 телефони орқали соат 10.00 дан 18.00 га қадар муружаат қилиш ёки тижорат тақлифларини қуйидаги манзилга юбориш мумкин: **Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 5-«А» уй. Факс: (8-371) 244-31-39.**

**ЎАЖ «Ўзбек Лизинг Интернешнл А.О.» ҚК**

*лизинг компанияси*

аввал «Раҳмонов То'uchiboy Раҳмонovich» ФХга тегишли бўлган қуйидаги кўчмас мулклар сотилиши ҳақида эълон қилади:

1. Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сақлаш учун музлаткич, майдони — 766,00 кв.м.
2. Устахона биноси, умумий майдони — 528,78 кв.м., шундан фойдаланиш майдони — 480,87 кв.м.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, Мустақиллик кўчаси, 132-уй.

Кўчмас мулкларни сотиб олиш бўйича тўлиқ маълумотни юқоридаги манзилдан олиш мумкин.

Телефон: (+99871) 120-02-02.

**Масъул шахс — Холтураев Сухроб.**

**«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ**

**Наманган вилояти филиали**

бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказилган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади.

Аукцион савдосига Косонсой тумани СИБ томонидан Наманган вилояти ҳўжалик судининг 2008 йил 20 октябрдаги 16-0807/11348-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган вилояти, Косонсой тумани, «Қорасув» ҚФЙ, «Қорасув» МФЙда жойлашган, «Рохатой Чаманзори» агрофирмасига тегишли, фойдаланиш майдони 1270,08 кв.м., қурилиш ости майдони 1388,54 кв.м. бўлган автосарой биноси ва иншоотлари арзонлаштирилган ҳолда, такроран қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 142 512 313 сўм.**

Аукцион савдоси 2013 йил 3 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2013 йил 30 август куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилиги бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Наманган вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Наманган вилояти бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

Манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават. Телефон: (8-369) 227-97-01. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ БОШ БОШҚАРМАСИ**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қарорига асосланган ҳолда, Россияда ишлаб чиқарилган «Зил» ва «УАЗ» русумли автомобиллар учун автомобиль эҳтиёт қисмлари (уларнинг номлари қабул қилинган атамаларда қайд этилди) харид қилиш мақсадида 2013 йил 12 сентябрь куни очиқ тендер эълон қилади.

Т/р	Эҳтиёт қисмлар номи	Каталог рақами	Ўлчов бирлиги	Энг юқори нархи (сўмда)	Т/р	Эҳтиёт қисмлар номи	Каталог рақами	Ўлчов бирлиги	Энг юқори нархи (сўмда)
1.	Лот № 1. Автозапчасти на «ЗИЛ-130» Головка блока цилиндров в сборе	130-1003012-20	тўплам	5 216 700	9.	Вал карданный переднего моста в сборе	3151-2203010	тўплам	425 000
2.	Вал коленчатый в сборе	130-1005011-20	дона	5 215 000	10.	Мост передний ведущий с тормозами и ступицами в сборе	31512-2300011	тўплам	11 034 000
3.	Лопасть вентилятора систем охлаждения	130-13080140-06	дона	135 000	11.	Мост задний с кронштейнами под рычажные амортизаторы	3741-2400010	тўплам	9 998 000
4.	Картер сцепления в сборе	130-1601012	дона	1 150 000	12.	Дифференциал переднего и заднего мостов в сборе	3741-2403010	тўплам	584 000
5.	Коробка передач	130-1700004	тўплам	6 498 000	13.	Амортизатор передней подвески в сборе правый	3160-2905006	тўплам	96 500
6.	Тяга поперечная рулевая в сборе	130-3003052	дона	587 500	14.	Рессора передняя в сборе	469-2902012-03	тўплам	681 000
7.	Рессоры передние в сборе	130Д-2902007-03	дона	1 389 900	15.	Амортизатор передней подвески в сборе левый	3160-2905404	тўплам	96 500
8.	Механизм рулевого управления с гидроусилителем	130-3400020-10	тўплам	4 085 000	16.	Амортизатор задней подвески в сборе левый	3160-2905006	тўплам	96 500
1.	Котел пускового подогревателя в сборе	469-1010512-10	тўплам	847 000	17.	Рессора задняя в сборе	469-2902012	тўплам	507 000
2.	Тяга воздушной заслонки с обочкой в сборе	469-1108100-02	тўплам	24 500	18.	Диск колеса 6 x 15 в сборе	450-3101015-01	тўплам	283 000
3.	Тяга дроссельной заслонки с обочкой в сборе	469-1108120-02	тўплам	24 500	19.	Ступица переднего и заднего колеса с тормозным барабаном в сборе	469-3103006-03	тўплам	534 500
4.	Глушитель с выхлопной трубой в сборе	3151-1200012	дона	167 600	20.	Рулевое управление в сборе	469-3400013	тўплам	1 282 500
5.	Коробка передачи в сборе	469-1700010-10	тўплам	1 758 000	21.	Тормоз передний в сборе правый	3151-3401040	тўплам	119 000
6.	Радиатор в сборе	3741-1301010-04	дона	1 800 000	22.	Тормоз передний в сборе левый	3741-3501010	тўплам	313 000
7.	Коробка раздаточная в сборе	3162-1800120-10	тўплам	4 025 000	23.	Тормоз задний в сборе правый	3741-3502011	тўплам	226 000
8.	Вал карданный задний в сборе	4695-2201010-01	тўплам	465 000	24.	Тормоз задний в сборе левый	3741-3502011	тўплам	226 000
					25.	Цилиндр главный тормоза в сборе	3151-3505009	тўплам	335 000
					26.	Тормоз центральный в сборе	451Д-3507010	тўплам	479 600
					27.	Тормоз центральный в сборе	451Д-3507010	тўплам	479 600

Тўлов шартлари — пул ўтказиш йўли билан.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100115, Тошкент ш., Муқимий к., 98-уй. Муружаат учун телефонлар: (+99871) 120-40-15, (+99871) 280-50-32. E-mail: sngmk@mail.ru. Буюртмачи телефонлари: (+99871) 235-62-77, (+99871) 233-42-81.

**ОРГАНИЗАЦИЯ ПРЕДЛАГАЕТ**

наплавляемые кровельные и гидроизоляционные материалы:

**ИЗОЛ И ФОЛЬГОИЗОЛ** собственного производства на стеклотканой основе.

Выполняем все виды кровельных работ с гарантией.

Тел.: (+99890) 988-09-69, (+99890) 958-66-60, 228-20-70, факс 248-69-00.

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га**

**ЭЪЛОНЛАР**

ҚАБУЛ ҚИЛНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача **232-11-15, 236-09-25.** E-mail: reklama@xs.uz

Тошкент педиатрия тиббиёт институти жамоаси ректорат ходими Пуллатхон Арипхоновга падари бузруквори

**МАХСУД отанинг** вафоти муносабати билан қуқур таъзия изҳор этади.

# Халқ кўшиқлари оҳанрабоси

Асрлардан-асрларга ўтиб, тиллардан-тилларга кўчиб келаётган миллий кўшиқ ва рақсларимиз сеҳру жозибаси бугун дунё санъат ихлосмандлари эътирофига сазовор бўлаётгани барчамизга маълум. Негаки, уларда халқимизнинг узоқ йиллик тарихи, қадрият ва аънавлари мужассам.

даният уйи қошида фаолият олиб бораётган "Куралай" болалар фольклор-этнографик намунали халқ ансамблининг ҳам муносиб хиссаси бор. Аини пайтда истеъдодли ўғил-қизлардан ташкил топган ижодий жамоанинг репертуаридан Сурхон воҳасига хос урф-одатларни акс эттирувчи кўплаб куй-кўшиқлар, миллий рақслар ўрин олган.



Айтиш жоизки, мазкур ансамбль 1991 йили оддий тўгарак сифатида фаолият бошлаган эди. Уша даврдаёқ унинг чиқишлари, дастурлари санъатсеварлар қалбидан чуқур жой олди. Турли танловларда қатнашиб, кетма-кет голибликни қўлга киритди. Натижада 1994 йили "Куралай"га болалар фольклор-этнографик намунали халқ ансамбли мақоми берилди.

жой эгаллаб бораёпти, — дейди Бойсун тумани марказий маданият уйи раҳбари Лола Нахмутдинова. — "Куралай" муваффақиятлари ҳақида сўз кетганда, жамоанинг 1999 йилда Халқаро "Шарқ тараоналари", 2010 йили "Асрлар садоси" аънавий фестивалларида,

— Ансамбль жамоаси ранг-баранг халқ кўшиқларини жозибали рақслар

билан уйғун равишда ижро этиб, муҳлислар қалбидан тобора чуқур

2012 йили эса "Янги авлод" кўрик-танловда муносиб қатнашиб, совриндорлар сафидан жой олгани, юртимиз вакиллари ҳамда хорижлик меҳмонлар олқишига сазовор бўлганини алоҳида эсга олиш жоиз.

Дарҳақиқат, бугунги кунда вилоятдаги Наврўз сайиллари дейсизми, Истиклол шодиёналари дейсизми, ҳеч бири "Куралай" иштирокисиз ўтмайди. Шу кунларда ансамблининг истеъдодли ёшлари Ватанимиз Мустақиллигининг 22 йиллик байрами тадбирларига ҳозирлик кўришмоқда. Улар Термиз шаҳрида ўтадиган асосий тадбирда "Она юртим", "Осмоли тилч Ватаним" ҳамда "Болалик бахтим" кўшиқларини ижро этишади.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**  
**«Халқ сўзи» муҳбири.**  
Шомурот ШАРАПОВ  
олган сурат.

## ЯХШИ ХАБАР

Асакалик тадбиркор Маъруфжон Отажонов Марҳамат туманининг "Асака адири" мавзесидаги бир ярим гектарлик ташландиқ худудни сўлим дам олиш масканига айлантирди.

## Марҳаматда сўлим маскан

Хусусан, бу ерда бир вақтининг ўзида 700 кишининг дам олиши учун имкониёт яратилди. Коллеж битирувчиларидан 14 нафари эса мўқим иш жойига эга бўлди.

— Эндиликда масканимизда халқ сайиллари ҳамда турли байрамлар ўтказишга мўлжалланган амфитеатр куришни режалаштиряёмиз, — дейди Маъруфжон Отажонов. — Шунингдек, болажонлар учун сузиш ҳавзаси, спорт майдончаси ҳамда меҳмонхона бунёд этишга киришдик.

**Одилжон ШОДНОАЛИЕВ,**  
**«Халқ сўзи» муҳбири.**

# Мўъжаз кўллар синоати

Чортоқ — Наманганнинг машҳур сийҳатгоҳ ва оромгоҳларига эга хушхаво тумани. Бу ерда мозийдан ҳикоя қилувчи бир қатор қадамжо ва зиёратгоҳлар ҳам борки, ташриф буюрган кишининг кўнглида ажиб туйғулар уйғотади. Балиқликўл зиёратгоҳи шулардан бири бўлиб, бу маскан ўзининг сир-синоати билан одамларни ҳамиша ҳайратга солиб келган.

## БАТАН МАНЗАРАЛАРИ

Тарихий маълумотларда ушбу мўътабар даргоҳ Султон Увайс Қароний исми авлиё номи билан боғлиқ экани қайд этилган. Ривоятларда айтилишича, ул зотнинг етти иқлимда зиёратгоҳлари мавжуд бўлиб, улардан иккитаси юртимизда, чунончи, Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний тумани ва Наманган вилоятининг Чортоқ туманида жойлашган экан. Истиклол шарофати билан миллий аънава ва қадриятларимизни тиклаш йўлида беқийёс сай-ҳаракатлар туфайли Балиқликўлга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, бу жой гўзал ва обод масканга, маданий ҳордиқ чиқариладиган дилтортар гўшага айлантирилди. Маъмуа уч гектардан зиёд майдонни эгаллаган бўлиб, дараклар билан қуюқ қопланган худуд ўртасида 50 дан ортиқ булоқларни ўз ичига олган кичик-кичик кўлчалар бор. Ҳамиша мавжлашиб турадиган сувли бу кўл балиқларга тўла. Улар зиёратчиларга шундай ўрганиб қолганки, кимки озуқа берса, сира ҳайқмай яқинлашиб, уни олиб ейишади. Биров бу жонотларга озор бериш ёки тутиш ҳақида ўйламайди.

Балиқликўл балиқлари фақат шу жойдаги сувнинг ўзида яшагга мослашган, дейишади. Яъни бошқа сув ҳавзасига ташланса, нобуд бўлар экан. Уз навбатда, кўлга бошқа жойининг балигини олиб келганларида ҳам шундай ҳолат кузатилади.

— Сир-синоат, энг аввало, бир-бири билан боғлиқ кетган чашмалардан оқиб чиқадиган сувнинг ўзига хослигидадир, — дейди маҳалла оқсоқоли Исроилжон Тилла-хўжаев. — Қишда иллик, ёзда муздай ҳароратда бўладиган бу сув шундай тоза ва шифобахши, уни қайнатмасдан

ҳам бемалол ичиш мумкин. Зиёратгоҳ атрофидаги учта маҳалла аҳли учун ушбу булоқлар ягона ичимлик суви маънаби ҳисобланади. Қолаверса, зиёратчилар ҳам ундан қониб-қониб ичишади, шунингдек, катта-кичик идишларда ўзлари билан олиб кетишади.

Балиқликўлдан сал нарироқда яна бир чашма оқади. Унинг ҳосияти эса ҳафтанинг жума кунлари сувининг туси ўзгариб, оппоқ сут рангини олишидадир.

Бугун Балиқликўлдан нафақат наманганликлар, балки мамлакатимизнинг турли худудларидан келаётган зиёратчилар қадами узилмайди. Уларнинг бу ердаги тарихий ёдгорлик билан яқиндан танишишлари, шунингдек, оромгоҳда мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун етарли шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги маданий ёдгорликлар илмий ишлаб чиқариш бош бошқармаси томонидан маъмуа ободлаштирилиб, Султон Увайс Қароний макбараси қайта тикланди. Кўл атрофидаги даракторлар остига бир қатор чойхоналар курилади, болалар учун турли аттракционлардан иборат ўйин майдонлари ташкил қилинди. Ёзинг жазирама кунлари, айниқса, бу маскан ҳар қачонгидан гавжумлашади. Бойси, сўлим гўшадаги салқинлик, ҳароратнинг бошқа жойларга қараганда бирмунча пастлиги унда ўзига хос микроклим яратган. Бундай чоғда кўпчилик ҳам зиёрат, ҳам истироҳат мақсадида Балиқликўл сари йўл олишни афзал билади.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**  
**«Халқ сўзи» муҳбири.**

## Спорт • Sport • Спорт

Пойтахтимизда шахмат бўйича ташкил этилган «Тошкент ёзи — 2013» халқаро турнири яқинлашди.

## «Тошкент ёзи — 2013»

Ўзбекистон ва Қозғистондан олтиш нафарга яқин спортчи қатнашган мазкур мусобақада ёш шахматчимиз Сирожиддин Нахмиддинов етти очко жамғариб, олтин медални қўлга киритди. Турнирда иккинчи ўрин ҳамюртимиз Бобур Сатторовга насиб этган бўлса, яна бир вакилимиз Саидақбар Сайдалиев кучли учликдан жой олди.

Хотин-қизлар ўртасида эса энг яхши натижани маҳоратли спортчимиз Ирина Геворкян қайд этди. Терма жамоамиз аъзоларидан — Сарвиноз Курбонбоева ҳамда Динара Алибекова кумуш ва бронза медалларига эгалик қилдилар.

## Пешқадам мағлубиятга учради

Футбол бўйича Ўзбекистон XXII миллий чемпионати олий лига жамоалари ўртасида ўн бешинчи тур баҳслари бўлиб ўтди.

Турнинг марказий учрашуви, шубҳасиз, Тошкентнинг икки жамоаси — "Бунёдкор" ва "Пахтакор" қарама-қаршилиги бўлди. "Жар" стадионида кечган ўйинда меҳмонлар 1:2 ҳисобида ғалаба қозондилар.

Наманганда ўтган "Навбахор" ва Фарғонанинг "Нефчи" клублари ўртасидаги баҳсда голиб жамоа номи аниқланмади — 1:1. Худди шундай ҳисоб "Шўртан" (Ғузор) — "Динамо" (Самарқанд) учрашувида ҳам қайд этилди.

"Бухоро" эса ўз майдонида Бекободнинг "Металлург" клубини 3:1 ҳисобида енгди. Олмалиқда "Олмалик" клуби меҳмони бўлган Тошкентнинг "Локомотив" жамоаси қийинчилик билан бўлса-да, ғалабага эришди — 1:2. Олий лига дебютантлари — "Гулистон" (Гулистон) ва "Сўғдиёна" (Жиззах) жамоалари ўртасидаги баҳсда сирдарёлик футболчилар зафар кучишди — 2:0. Зарафшон-

нинг "Кизилқум" эса ўз майдонида кичик ҳисобда (0:1) "Насаф" (Қарши)га имкониятни бой берди.

Ўн бешинчи турдан сўнг турнир жадвалида пешқадам жамоа номи ўзгарди. Яъни "Бунёдкор"нинг мағлубиятидан фойдаланиб қолган "Локомотив" 36 очко билан етакчиликини қўлга олди. Иккинчи ва учинчи ўринлардаги "Бунёдкор" ҳамда "Насаф" клублари ҳисобида бир хил — 35 тадан очко бор. "Пахтакор" эса мазкур турдаги ғалабадан сўнг очколари сонини 28 тага етказиб олди.

Ўн олтинчи тур ўйинлари 16 ва 17 август кунларига белгиланган бўлиб, унда қуйидаги жуфтликлар ўзаро беллашади: "Локомотив" — "Гулистон", "Динамо" — "Насаф", "Сўғдиёна" — "Кизилқум", "Пахтакор" — "Олмалик", "Металлург" — "Бунёдкор", "Нефчи" — "Бухоро", "Шўртан" — "Навбахор".

Фозилдин АБИЛОВ.

## ● Реклама ва эълонлар ●

**«ЎЗЗООВЕТТАЪМИНОТХИЗМАТ»**

республика бирлашмаси жамоаси мамлакатимизнинг барча фуқароларини Ўзбекистон Мустақиллигининг

**22 йиллиги**

байрами билан самимий қутлайди.

Эзгу ниятлар билан Ватанимиз фаровонлиги йўлида олиб бораётган бунёдкорлик ишларимизда омад ёр бўлсин!

**«НИВАУДО—МЕВЕЛ»**

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

юртимиз аҳлини мамлакатимиз

**Мустақиллигининг 22 йиллиги**

байрами билан самимий қутлайди!

Барчамизга сизга-саломатлик, тинчлик-ҳотиражамлик, Ватанимиз раснақи йўлидаги фидокорона меҳнатинида зафарлар тилайди. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

**«MAXLAS» МЧЖ**

боғдорчилик ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларини дорилашда фойдаланиладиган

**Моторли пуркагични**

таклиф этади.

Моторли пуркагич бир дақиқада 4 литр суюлтирилган кимёвий ҳамада 6 килограмм кукунли дори воситаларини сепиш қувватига эга.

Тўлов — исталган шаклда.

Мурожаат учун телефонлар: (+99895) 170-17-56, (+99895) 177-17-56. Факс: (8-371) 234-62-33. E-mail: maxlas62@mail.ru

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН. ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯГА ЭГА.

**Халқ сўзи**

**Народное слово**

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 854. 79 697 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тогаев томонидан саҳфаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.15 Топширилди — 21.35 1 2 3 4 5

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — А. Орпнов.  
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.  
Навбатчи — С. Махсумов.  
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.